30195

Янги йилингиз муборак бўлсин!

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

1 январь, якшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 1 (1003)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Ҳурматли отахонлар, нахонлар!

Азиз опа -- сингиллар ака -- укалар!

Ҳар бирингизни кириб келаётган Янги -- 1995 йил билан муборакбод этиб, барчангизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат -- саломатлик, оилангизга, оиланг-изга тотувлик, файз ва барака тилайман.

1994 йили Ватанимизда янг эзгу орзуимиз ва улкан бойлигимиз -- тинчлик -- тотувлик ҳукм сурди. Халқимиз бехавотир, беташвиш, осойишта меҳнат билан машғул бўлди. Юртимиздаги ана шу барқарор муҳит ва аҳиллик, бунёдкорлик туфайли давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий қудратини, халқаро обрў -- нуфузини юксалтириш борасида талай ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга ўтаётган йилимиз, шуни очиқ тан олишимиз лозим, халқимиз учун анча оғир кечди, танглик ва етишмовчиликлар кўп бўлди, чинакам мустақиллик йўлидан сабот билан олға бораётган Ўзбекистонимизни жуда катта синовлардан ўтказди.

Ишонаманки, ўтган даврда ислоҳотлар йўлида, келажагимиз пойдеворини қуриш учун қилган меҳнатларимиз бошимиздан кечирган қийинчиликларимиз зое кетмайди. Улар ҳаёт даражасини кўтаришда, уни ижтимоий муҳофаза қилишда ўз ҳосилини бера бошлайди.

Қадрли юртдошлар!

Халқимиз ортиқча таърифга муҳтож эмас. Унинг нечоғлик меҳнатпарвар, нечоғлик собит ва бардошли эканини мустақиллик шароитида кечган машаққатли уч йил яна бир бор исботлади. Биз собиқ Иттифоқ ўрнида вужудга келган янги давлатларнинг бошига тушган иқтисодий бўҳронлардан энг кам талофат кўрганимизнинг сабаби, ҳам шунда.

Жаҳоннинг жуда кўп минтақаларидан, шу жумладан яқин қўшниларимиз бўлган мамлакатлардаги нотинчлик, бекарорлик нималарга олиб келганини кўриб турганимиз учун ҳам, юртимиздаги тинчлик -- осойишталик, барқарорлик вазиятнинг қадрига етишимиз, уни асраб -- авайлашимиз лозимлигини яна бир карра таъкидлаш ўринли, деб ўйлайман.

Муҳтарам дўстлар!

Уч йил мустақиллик йўлида кечирган ҳаётимиз бизларга қандай муқаддас заминда яшаётганимизни, улуғ аждодларимиз қолдирган қандай мерос ва қадриятларга эга эканимизни англатди, шу азиз тупроқда ётган ота -- боболаримиз дини ва руҳига содиқ бўлишга, Ватанимиз келажаги, фарзандларимиз камоли учун ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб фидойи меҳнат қилишга, элим деб, юртим деб ёниб яшашга ўргатди.

Ишончим комилки, бугунги истиқлол ва ислоҳот йўлида дадил юришимизни сақлай билсак, аҳил, меҳрибонликда бўлиб бир ёқадан бош чиқариб ишласак, ёруғ ва фаровон кунларга тезроқ етамиз, иншоаллоҳ.

Азиз ҳамюртларим!

Кириб келаётган Янги -- 1995 йил халқимиз, Ватанимиз учун омадлар йили бўлсин.

Ҳаммангизни Янги йил байрами билан яна бир карра қизғин қутлайман. Барчангизга тинчлик-омонлик, Ватан тараққиёти йўлидаги ишларингизга равнақ тилайман. Бахт -- саодат ва толе ҳамиша сизларга ёр бўлсин!

Барча тилак ва истакларимизни амалга оширмоғимизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

ЮРТБОШИМИЗ СОВҒАСИ

Улуғ айёмлар, байрам кунлари арафасида камҳарж оилалар, ногиронлар, якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, уларга кўмак бериш хайрия ҳисобланади. Республикамизда бу борадаги иш кўлами кенг. Айниқса, болажон Президентимизнинг ғамхўрлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Янги йил байрами бўсағасида Фарғона вилоят ҳокимлигида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, ногиронлар, болалар уйининг тарбияланувчиларидан 300 нафарига республика Президентининг совғалари тортиқ этилди. Совғаларни вилоят ҳокими Мирзажон Исломов топширди.

Гулистон шаҳридаги «Гулшан» болалар ижодиёти уйида ҳам ана шундай қувончли воқеа содир бўлди. Сирдарё вилоятининг барча туманларидан 100 нафарга яқин ногирон ўғил ва қизлар таклиф этилди. Уларнинг барчасига республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг янги йил совғалари тантанали вазиятда топширилди.

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ

Халқ эртакларининг қаҳрамонлари байрам мезбони -- Қорбобо бошчилигида Тошкентдаги юрак-қон томир касалликларига учраган болалар санаторийсига меҳмон бўлиб келди. Шўх ҳазиллар, болаларнинг қувноқ кулгилари янграб, турли ўйинчоқлар ярқираб турган арча атрофида айланиб қўшиқ айтиш барчага катта қувонч бағишлади. Болалар миллий ўйинларда, ким топди ўйинларида, танловларда иштирок этишди, республика мактаб ўқувчилари саройининг «Чаман» болалар дастасидаги тенгдошларининг қўшиқ ва рақсларини қарсаклар билан олқишлашди. Ёш артистлар санаторийдаги болалар учун халқ қўшиқлари ва рақсларидан тузилган янги дастурни намойиш этдилар. Байрам ниҳоясида болаларга анъанавий янги йил совғалари -- мевалар, ширинликлар тарқатилди.

Болаларга бу қувончли байрамни «Экосан» Ўзбекистон халқаро экология ва саломатлик жамғармасининг фаоллари ҳадя этди. Жамғарма ушбу байрамга ҳомийлик қилишдан ташқари, яқин вақт ичида санаторийни оталиққа олмоқчи. «Экосан» шифохонанинг эҳтиёжларини ўрганиб, уни доридармон билан таъминлаб туришни, бошқа соҳаларда ҳам ёрдам беришни режалаштирмоқда.

Мактаб таътили кунларида «Экосан» жамғармаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари республиканинг болаларни соғломлаштириш муассасаларида ва болалар уйларида ана шундай янги йил байрамларини кўплаб ўтказишни назарда тутган.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси соҳибқирон Амир Темур таваллудига 660 йил тўлиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кўрсатилган қутлуғ сана 1996 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда кенг миқёсда нишонлансин.

2. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини ўтказиш ташкилий қўмитаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита бир ой муддатда ушбу санага тайёргарлик кўриш тадбирларини ишлаб чиқсин ва уларнинг ижро этилишини ташкил этсин.

3. Мамлакат миқёсида ўтадиган байрам ва юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида уч кишидан иборат дирекция тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Дирекция Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида иш олиб бориши белгилаб қўйилсин. Мамлакат миқёсида ўтадиган байрам ва юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дирекция тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги дирекция фаолияти билан боғлиқ харажатлар учун 1995 йилдан бошлаб республика бюджетидан тегишли миқдорда маблағ ажратишни назарда тутсин.

Дирекцияга Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини ўтказиш ташкилий қўмитаси белгилаган тадбирларни амалга оширишни топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси тегишли вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда 1996 йилда «Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро анжуман ўтказсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва Молия вазирлиги бир ой муддатда Фанлар академияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Амир Темур номи билан боғлиқ обидалар ва қадамжоларни таъмирлаш, консервациялаш ва ободонлаштириш, «Темурийлар даври маданияти ва санъати» мавзуида махсус халқаро туристик маршрутлар очиш юзасидан 1995-2000 йилларда амалга ошириладиган концепция-дастурни ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасининг тасдиғига киритсинлар. Шу жумладан, 1995-1996 йилларда бажариладиган ишлар алоҳида белгилаб қўйилсин ва тегишли маблағ ажратилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тегишли вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда очиқ танлов асосида 1996 йилда Амир Темур шарафига Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида ёдгорлик мажмуи барпо этиш масаласини ҳал этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Амир Темур ва унинг даври фани, маданияти ва санъатига оид янги асарларни, шу жумладан, чет элларда нашр этилган адабиётлардан намуналарни нашр этишни ўз режасига киритсин.

8. Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи туркум кўрсатувлар дастурини тайёрласин ва амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси Амир Темурнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида 1995-1996 йилларда бадиий фильм яратиш бўйича чора-тадбирлар кўрсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маданият ишлари вазирлиги ва Фанлар академияси билан биргаликда Амир Темур хиёбонида темурийлар даври тарихи музейини қуриш ва уни зарур экспонатлар билан жиҳозлаш юзасидан тадбирлар белгиласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, республика вазирликлари ва идоралари, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалари бир ой муддат ичида Амир Темурнинг жаҳон тарихида, айниқса Марказий Осиё халқлари тақдирида тутган ўрнини холис ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш бўйича ўз дастурларини ишлаб чиқсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги 1995--1996 йилларга мўлжалланган истиқбол ишларини белгилашда ташкилий қўмита тасдиқлаган тадбирларга кирган объектлар қурилиши, тарихий обидаларни таъмирлаш, ободонлаштириш учун белгиланган тартибда марказлашган сармоя ва республика бюджетидан тегишли маблағ ажратишни назарда тутсинлар.

13. Вазирликлар, ҳокимликлар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек жамғармалар ва фуқароларнинг белгиланган тадбирларни амалга оширишда ўз моддий-молиявий улушлари билан иштирок этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 29 декабрь.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1994 ЙИЛ 29 ДЕКАБРДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КУРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАРКИБИ

И. ЖЎРАБЕКОВ -- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси

Х. ЖЎРАЕВ -- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари (келишув бўйича)

С. САИДҚОСИМОВ -- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ БАРҚАРОР ВА КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЎЛКА

Хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчихоналари вакиллари Ўзбекистон ҳақида ана шундай дейишмоқда.

ГУАН ХЕН ГУАН, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси:

-- 1994 йил ёш, мустақил Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилишига шак-шубҳа йўқ. Кўп узоққа бормай, 25 декабрь куни Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловларни олайлик. Ушбу тадбирда бир қанча хорижий мамлакатлар қатори Хитой Халқ Республикасидан ҳам 90 га яқин кузатувчи иштирок этди. Ўша куни менинг ўзим ҳам бир қанча сайлов участкалари ва округларида бўлдим. Гадбир уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтди.

Ушбу тадбир мустақил Ўзбекистон ҳаётида илк бор бўлганлиги билан ҳам характерлидир. Мен сайловларни мамлакатингиз ҳаётида бир қанча воқеалар қатори 1994 йилда рўй берган энг муҳим ва оламшумул воқеа сифатида баҳолагим келади.

Айни пайтда 1994 йил Ўзбекистон ва Хитой мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун ўзига хос замин яратди. Хитойликлар Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарашмоқда. Қисқа муддат ичида бир қанча тадбиркор ва ишбилармонлар юртингизга сафариф буюриб, амалий ишларга қўл уришди.

Тошкент ва Шанҳай шаҳарларининг ўзаро биродарлашуви мамлакатларимиз муносабатларининг шаклланишида янги саҳифа очди. Ўтган уч ой мобайнида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги товар айирбошлаш етмиш миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу 1993 йилдагига нисбатан бир неча баробар кўп демакдир. Ушбу рақамлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги иқтисодий алоқалар тобора ривожланаётганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон ҳозир сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнидан кечирмоқда. Уни бошқача жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакати тан олди. Юртимизнинг хорижда Марказий Осиёдаги энг барқарор ва ривожланган порлоқ мамлакат сифатидаги обрў-эътибор этишмоқда. Ўзбекистонни ана шундай нуфузга эга бўлишида Президент Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. У Ўзбекистон учун жуда катта ишларни бошлади ва қилмоқда.

Ўзбекистон спорт соҳасида ҳам муваффақиятларни қўлга киритаяпти. Унинг Японияда бўлиб ўтган Осиё мамлакатлари ўйинидаги иштирокини алоҳида таъкидлаймоқ керак. Ўзбекистон футбол терма жамоаси финалда бизникларни енгиб, чемпионликни қўлга киритди. Умумкоманда ҳисобида эса Осиё Мамлакатлари ўртасида 5-ринни эгаллади.

Менимнинг ниҳоясида 1995 йилда Ўзбекистон учун ниҳоятда ҳайрли келиши, мамлакатингиз аҳолиси тинч ва бундада фаровон ҳаёт кечиришларидан дилтакдошман. Фурсатдан фойдаланиб барча Ўзбекистонликларни янги 1995 йил муборакбод этаман.

Укэру МАГОСАКИ, Японияниг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси:

-- Янги йил айёми Япония-да ҳам ўзига хос тарзда нишонланади. Ўша куни одамлар ўтиб кетган аждодларини хотирлайдилар, мамлакат Императори шарафига ибодат қилишади. Император ҳам халқ истиқболига чиқиб, уларни янги йил билан қутлайди.

Байрам кунлари Японияда аёллар анъанавий миллий либос -- кимоно кийишади. Тантаналарнинг асосий ташвиши ҳам, асосан, уларнинг зиммасига тушади. Чунки турли-туман махсус таомлар, пиширикдар тайёрлаб, байрам дастурхонини безатишлари керак-да. Одамлар таниш-билишлари, ёр-биродарларига табрик хати ёзишиб, ўзларининг тилакларини изҳор этадилар.

Японияда январнинг дастлабки уч куни дам олиш куни деб эълон қилинган. Ўша кунлари бутун мамлакатда спорт мусобақалари, турли тадбирлар уюштирилади. Уларда хоҳлаган киши иштирок этиши мумкин. Хуллас, япон халқи худди сизлар каби янги йилни шод-хуррамлик ва катта орзу-умидлар билан қаршиланади.

1994 йил ўзбек-япон муносабатларининг ривожланишида муҳим поғона бўлди. Шу ўринда, Президент Ислом Каримовнинг Японияга ташрифи бўлажак алоқаларнинг ривожига катта туртки бўлганлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Ана шу сафар чоғида кўпгина соҳаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олинган эди. Янги йилда улар албатта, амалиётда ўз аксини топади.

Шуниси қувончлики, Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар барқарор ва текис ривожланмоқда. Мен ушбу ҳамкорликларни гуркираб ўсаётган ниҳолга қиёс қиламан. Бу ниҳол яқин келажакда илдизи бақувват дарахтга айланиши ва ҳосил бериши шубҳасиздир. Ҳозирги жараён ана шундай дейишимизга тўла асос бўла олади.

Мустақиллик эълон қилган ҳар қандай давлат дастлаб маълум қийинчиликларни бошдан кечириши, табиий. Шу маънода Ўзбекистондаги ҳозирги иқтисодий мураккабликларни ўткинчи ҳолат, деб баҳоламоқ керак. Муҳими, сизларда мамлакатингизни юксак тараққиёт йўлига олиб чиқадиган реал, умидли имкониятлар кўп. Ҳамдўстликдаги бошқа бирорта давлат бундай афзалликларга эга эмас. Яна икки-уч йил ичида Ўзбекистоннинг бу борада улкан ютуқларга эришишига ишонаман. Мамлакатингизнинг порлоқ истиқболи жуда яқин, таъбир жоиз бўлса, остонада эшик қоқиб турибди, дейиш мумкин.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар 1995 йилдан бошлаб янада юксак самаралар беришига умидворман. 1995 йил -- сизлар учун муваффақиятлар йили бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, япон халқи номидан ўзбекистонликларни янги йил билан самимий қутлайман. Тилагим-- иккала халқ ўртасидаги дўстлик риштала-ри тобора мустаҳкамланиб бораверсин. Зеро, ўзбек ва япон халқи ўртасида муштарак жиҳатлар жуда кўп. Мана шу нарса ҳам уларнинг ўзаро яқинлашувига кенг имконият яратади.

Абдулғани Муҳаммад АБДУЛҒАНИ, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси:

-- Ўзбекистон ўз мустақиллигининг уч йиллигини кенг нишонлаган кезлар ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон давлати ва халқи ўтган уч йил ичида бундай шодиёналарга арзирли жуда катта ютуқларга эришди ва неларга қодирлигини бутун дунёга кўз-кўз қилди.

Шахсан мен, бир холис киши сифатида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни юксак баҳолайман. Жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тадбиркорликка кенг йўл очиш, чет эл сармояларини жалб этиш каби қатор тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқдаки, булар эрта-индин Ўзбекистоннинг дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига имконият яратади.

Чет элларда Ўзбекистонни қадимий цивилизация бешиги деб аташади. Дарҳақиқат, мана шу заминда туғилиб вояга етган ал-Беруний, Хоразмий, Улуғбек, Имом Бухорий, Навоий каби буюк зотлар яратган кашфиётлар умуминсоният тараққиётида муҳим ўрин тутади. Дунёга шундай буюк ўғлонлар берган ўзбек халқи бугун асрий тутқунликдан халос бўлиб, яна дунёга юз очмоқда. Имоним комилки, умуминсониятга тегишли бўлган кўплаб янгиликлар ҳали ўзбеклар номи билан аталажак.

Ўтаётган 1994 йил ўзбек халқи учун баракали йил бўлди. Ўзбекистон ҳукумати ва халқи мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида ижобий натижаларга эришди. Хусусан, яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган демократик сайлов Ўзбекистон тарихида муҳим ўрин тутади. Мен сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиб, Ўзбекистонда демократик тамойилларга, инсон ҳақ-ҳуқуқларига бўлган ҳурмат ибрат қилиб кўрсатадиган даражада шаклланганлигининг гувоҳи бўлдим. Шу ўринда мен сайловларда ғалаба қозонган барча депутатларни чин дилдан табриклайман. Улар зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаб, Ўзбекистон равнақи, ривожи учун тер тўкадилар, деб ишонаман.

Ўзбек халқини дунёдаги энг меҳнаткаш, меҳмондўст ва очиққўнгил халқ десам, муболага қилмаган бўламан. Негаки, мен дунёнинг бирор мамлакатида ҳали шундай халқ борлигини кўрганим йўқ. Юзидан табассум аримайдиган, ширинсуҳан, бир-бирига ўта меҳрибон ўзбеклар билан бирга бўлиш мен учун доимо мароқли. 1995 йил Ўзбекистон халқи ҳаётида унутилмас воқеаларга бой йил бўлсин. У ҳар бир ўзбекистонлик хонадонига тинчлик, тотувлик, барака олиб кирсин. Мен бутун Ўзбекистон халқини ўзим, қолаверса, элчихонамиз жамоаси номидан янги йил билан табриклайман.

«Халқ сўзи» мухбирлари Исмат ХУДОЁРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД, Ўрол ҒОЙИМОВ ёзиб олдилар.

1994 ЙИЛ СОЛНОМАСИ

5-6 май -- Тошкентда XII чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг 15-сессияси бўлиб ўтди.

1 июль -- Ўзбекистон Республикасининг ўз миллий пули -- сўм муомалага киритилди.

1 сентябрь -- Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги катта тантаналар билан нишонланди.

22-23 сентябрь -- XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 16-сессияси бўлиб ўтди.

24-25 сентябрь -- Хоразмда давлат арбоби ва шоир Феруз таваллудининг 150 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари бўлиб ўтди.

15 октябрь -- Самарқандда буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги тантаналари бўлиб ўтди.

24-26 октябрь -- Президент И. Каримов расмий давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

10-11 ноябрь -- Президент И. Каримов расмий давлат ташрифи билан Украинада бўлди.

4-6 декабрь -- Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ЕХҲК)га аъзо давлат бошлиқларининг Будапештда ўтказилган конференциясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

7 декабрь -- Республика Конституциясининг икки йиллиги кенг нишонланди.

21-23 декабрь -- Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко расмий давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.

25 декабрь -- Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор демократик асосда Ўзбекистон Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловлар ўтказилди.

• Сарҳисоб, режалар, орзулар

МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖИМ, ИНСОНИЙ БУРЧИМ...

Галина ПУГАЧЕНКОВА, ЎзФАнинг ҳақиқий аъзоси:

Ўтган йилда республикамиз ҳаётида кўплаб ижтимоий-сиёсий воқеалар бўлди. Мен ана ўшалар сирасидаги юрагимга жуда яқин бўлган икки тадбирни алоҳида таъкидлашни истайман.

Буюк мутафаккир Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги аллома қадрига муносиб равишда нишонланди. Юбилей катта тантанага айланганлиги унутилмас иш бўлди. Айни чоғда, шу муносабат билан илм оламида кўплаб жиддий тадқиқотлар юзага чиқдики, бунинг аҳамияти чексиз. Улуғбек ва унинг замондошларининг кўплаб қимматбаҳо асарлари, шунингдек, Улуғбек даврига оид монографиялар нашр этилди, нашрга топширилди. Айниқса, Самарқанд, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги тарихий обидаларнинг таъмирланганлиги айни муддао бўлди. Пойтахтимиз майдонларида янгидан бунёд этилган Улуғбек даҳоси ва фалакшунослик ютуқларига оид ёдгорликлар алоҳида қимматга эга.

Бу ўтган йилда нафақат мамлакатимизда ёки Марказий Осиё миқёсидаги, балки бутун Шарқ маънавий оламига дахлдор воқеадир.

Ўтган йили республикамиз маданий ҳаётида содир бўлган муҳим воқеалардан яна бири -- Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик бошланганлигидир. Шу муносабат билан халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда МДҲ ва қатор чет эллардан келган олимлар ҳам иштирок этдилар. Бухоро тарихи тимсолида буюк Уйғониш даврига оид тадқиқотлар ҳазинаси яна янги маълумотлар билан бойишига ишонаман.

Янги йилда Олий Мажлисимизда «Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий ёдгорликларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, Қонун қабул қилинишини умид қиламан.

Бу ҳужжатни тезроқ қабул қилиш зарур. Чунки ерларнинг хусусийлаштирилиши туфайли кўплаб тепаликлар бағридаги қадимий шаҳарлар харобалари вайрон бўлиши мумкин... Ваҳоланки, шу оддийгина дўнгликлар остида ўзбек халқининг бой тарихи яшамоқда...

Бизнинг Тарих ва Археология илмий-тадқиқот институтимиз жамоаси томонидан «VIII-XVIII асрларда Марказий Осиё маданияти тарихи» номли монография тайёрланмоқда. Унинг «Шаҳарсозлик ва меъморчилик» бўлимини мен ёзяпман. Янги йилда асосий фаолиятимни мана шу ишга бағишлайман.

Шунингдек, тарих ва археология соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар ва аспирантларга илмий йўлланмалар, маслаҳатлар бериш чоғларим менинг ҳузурбахш дам олиш соатларим бўлиб қолади. Зотан, бу -- маънавий эҳтиёжим, инсоний бурчимдир.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ СИНЧЛАРИМИЗ

Жаҳонгир ҲУСАНОВ, Тошкент давлат Юридик институти Халқаро ҳуқуқий муносабатлар факультетининг 2-курс толиби:

1994 йил Ўзбекистон учун, ўзбек халқи учун бой имкониятларга эга бўлган, иқтисодиётимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, миллий давлатчилигимизни янада мустаҳкамлаш йили бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг бир қатор ривожланган мамлакатларга қилган сафарлари Хитой, Франция, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатлар давлат арбобларининг Ўзбекистонга ташрифи бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон спортчиларининг Японияда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида қўлга киритган ютуқлари ҳам Ватанимизни жаҳонга танитишда катта аҳамият касб этди.

1994 йилда мустақиллигимизнинг муҳим белгиларидан бири бўлган ўз миллий валютамизга эга бўлдик. Бу эса, ўз навбатида, давлатимизнинг иқтисодий ҳаётида катта ўрин тутди. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий жамият асосларини фаол равишда вужудга келтириш сари улкан қадам қўйилди. Яқинда Ўзбекистонимиз тарихида биринчи бор бўлиб ўтган Олий Мажлисга сайловлар мамлакатимиз тарихида ўчмас воқеа бўлди.

Ўзбекистоннинг тақдири ёшлар билан узвий боғлиқ. Биз олий ўқув юрти талабалари, билимларимизни жаҳон стандартлари талаблари асосида ўстириб боришимиз керак. Бу борада республикамизда ўтган 3 йилда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу йўлдаги дастлабки қадамлардан бири сифатида ҳорижий таълим компаниялари мутахассисларининг махсус мактаблар ва олий ўқув юртларида чет тиллари дарсларини олиб боришларини таъкидлаш жоиз. Шу жумладан, бизнинг олийгоҳимизда ҳам ана шундай мутахассисларнинг сабоқ беришлари ташкил этилган.

1995 йилдаги менинг режам ва орзум -- ҳориждаги олий ўқув юртларидан бирига бориб, ҳуқуқий билимларимни янада оширишдир.

• Мустақиллик мевалари

ҚОЛОҚ ЭДИ, ТАЯНЧ ҲЎЖАЛИК БЎЛДИ

ОҲАНГАРОН туманидаги «Оҳангарон» ҳиссалик жамияти аввалларидан иқтисодий зарар келтирадиган хўжаликлар қаторида саналарди. Икки йилдирки у қат туманда, балки Тошкент вилоятида ҳам энг пдам хўжаликлардан бирига айланди. Бунда шубҳасиз лик юритишнинг ҳиссадорлик усули асосий омил бўл

-- Эрк олган эркин ишлайди, деб бекорга айтишмаган, -- дейди хўжалик бошқарувининг раиси Шунқор Умирзоқов. -- Кўкламдан бошлаб эркин ишладик, қайси майдонга қайси экинни экишдан тортиб ҳамма ишларни эҳтиёждан келиб чиқиб ўзимиз белгиладик. Ҳали ҳосил пишиб етилмасиданоқ тегишли ташкилотлар билан зарур шартномалар тузилди. Бу эса маҳсулотлар тайёр бўлганидан сўнг харидор кутиш ташвишидан қутултирди бизни. Натижада хўжалигимиз дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда ўн миллион сўмга яқин даромад олди. Унинг тенг ярмидан кўпроғи соф фойда ҳисобланади.

Раис ҳақ. Фақат шу йилнинг ўзида ҳиссадорлик жамияти деҳқонлари 5220 тоннага яқин сабзавот, шу жумладан, 50 тонна карам, 2020 тонна пиёз, 10 тонна саримсоқ, 3 минг тонна помидор сотишди. Шунча маҳсулот етиштириш учун 4 миллион сўмлик харажат кўзда тутилган эди. Кузга бориб бу маблағ олти миллион сўм фойда олиб келди. Бундан ташқари 200 тоннага яқин узум, 745 тонна хўл мева, 250 тонна картошка, 50 тоннага яқин полиз маҳсулотлари етиштирилиб, ҳозир сотилаётир. Табиийки бу маҳсулотларни сотишдан (картошкадан ташқари) ҳам анчагина даромад қилинади.

-- Агар хўжалигимиз мастақил бўлмаганда бундай фойдани ҳали-бери кўрмаган бўлардик, -дейди Ш.Умирзоқов.

Деҳқонларнинг ерга эгалик ҳисси, етиштирилган маҳсулотга ўз мулкидай қараш бу йил экинлардан мўл ҳосил етиштириш имконини берди. Илгари хўжалик турли ўғитлар, минераллар учун миллионлаб сўм пул сарфларди. Бу йил эса далаларга фақат маҳаллий ўғит ташилиб, ҳар гектар майдонда ўрта ҳисобда 18-20 тоннадан гўнг сепилди. Бу эса ернинг ҳосилдорлигини оширибгина қолмай, анчагина маблағни тежаш имконини ҳам берди. Хўжаликнинг Раҳим Қўйбоқов, Нурмат Парпиев, Ҳабибулло Абдуҳакимов сингари ширкалари бошқараётган гадаларнинг ишчилар бўйи 400-450 сўмдэйлик маош олишгани да йил охирига келиб рвард натижа ҳисоби яна 2200--2450 сўмн қўшимча даромади оладиган бўлдилар.

Айниқса Абдаббор Абдужалолов чилик қилаётган 1-агрлимда эришилган ютуқ янада қувончлидир. Бу ишчилари 100 тоннртошка, 1325 тонна лидор, 600 тонна мева 0 тоннадан кўпроқ га етиштирдилар. Шуниқкатга сазоворки, лимда маҳсулот танна ўтган йилнинг шу дава нисбатан 2,5 барар камайди. Ҳар гектар майдондан 330 нтнердан сабзавот ҳоси олинди. Юқоридаардан ташқари бўлим чилари ҳиссадорлик жаяти ҳисобига 30 тоннали, анчагина хашак ва қа лавлаги ҳам етказ бердилар. Ана шулар сабига биринчи бўлимнинг ўзи уч миллион сўмқин даромад қилган са, унинг 2 миллион тоз минг сўми соф фойдир. Бу ерда ҳам ишлар йил охирига бориб 2,5 минг сўмдан оладил.

Бундан бир на йил аввал муттасил коқликдан чиқа олмаётга хўжалик бундай ютуқлаа қандай эришди?

Аввало ҳар б деҳқонга ер шартном асосида бўлиб билди а режада белгила анидан ортиқча олинган ҳосилга 4 фоиз қўшимч ҳақ тўланди. Илғор иш ва жамоаларни иқтисод ва маънавий рағбатнтириш асосий иш усли га айлантирилди. Ҳосл нинг нобуд бўлишига сроф гарчиликка мутлақ йўл қўйилмади. Масала помидор айни пишиб тилган пайтда у ёки бу абаб билан харидор вақида етиб келмаган ҳолларда ҳосил хўжаликнинг ўз консерва заводига пширилди, мева ва бош маҳсулотлар ҳам зарур пайтларда шу заводга қўнатилди.

Дарвқи, «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятида икки йилдан бери консерва заводи, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона муттасил фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда картошкадан бошқа ҳамма маҳсулотларни қайта ишлаш учун тўлиқ имкониятлар бор. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бугунги кунда Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен, Янгиобод ва Тошкент шаҳарларидаги савдо дўконларида харидорларнинг эҳтиёжини қондирмоқда.

-- Хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга тўсиқ, бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас, -- дейди Ш. Умирзоқов. -- Атрофимизда «Оҳангарон цемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Сантехлит», «Қурилиш пластмассаси», «Оҳангароншифер» сингари катта-катта саноат корхоналари бор. Улардан чиқаётган зарарли дудлар ерларимизнинг унумдорлигига, экинларимизнинг ривожига жиддий таъсир этмоқда. Айни пайтда яйловларнинг қисқаришига олиб келмоқда. Тўғри, биз улардан жарималар оламиз. Лекин, бу муаммо бизга жуда қимматга тушаётир. Ҳозирги кунда хўжалигимиз ҳудудидаги қишлоқларда истиқомат қилаётган 600 дан кўпроқ киши шу корхоналарда меҳнат қилади. Лекин, корхоналар фақат Оҳангарон шаҳри учун қайишаяпти. Ваҳоланки уларнинг асосий ишчилари бизнинг қишлоқларимизда истиқомат қиладилар. Корхона раҳбарлари эса ҳали қишлоқ учун бита электр симёғочи ҳам ўр натишгани йўқ.

Хўжаликда бошқа муам молар ҳам бор. Парранд чиликни, йилқичиликни р вожлантириш, тоғ худудл рида махсус асаларичили риш, бир вақтлар бут республикага машҳур бў ган «қурама гуручи» шол сини кўпайтириш ҳам х жаликнинг галдаги муа молари ҳисобланади. А мо хўжаликнинг ёш, т биркор раиси Шунқ Умирзоқов яқин келажа бу муаммолар ечимини пиш учун астойдил х кат қилаётир.

«Оҳангарон» ҳисса лик жамияти ҳозир ту даги намуна-таянч хў гига айланиб бормоқ эса мустақил фаолият тишнинг мевасидир.

Мўмин К «Халқ сўзи жамоатчи мух

ҚИШЛОҚМИ БУ, ШАҲАРМИ БУ

Одатда, «қишлоқ» деганда и-бугри кўчалар, гувала лар кўз олдимизга келади. пида эса бугунги замона қишлоқларнинг қиёфа шаҳарлардан қолишмайди. фақат шинам турар йлар, маданий-маиший ноларнинг сероблиги эмас, ки ишлаб чиқариш тар қларининг ҳам сон, ҳам си т жиҳатидан ўсиб бораётидадир. Касби туманида Шароф Рашидов номли моа-ширкат хўжалиги ана ндай кўп тармоқли, са атлашаётган, шаҳар билан йлашаётган масканлардан р.

Хўжалик атрофдаги бошжамоалар каби табиий ва им шароитига мос равишпахтачиликка ихтисослашрилган эди. Жамоа аъзолабу борада ўтган йилги ре ларини ошириб бажардио. Ҳисоб-китобларга қарада 5 миллион сўм соф йда олишга эришилди. Алта, ҳозирги бозор иқтисоёти шароитида бир экин ининг «ҳукмронлиги» би ислоҳот талабларига жа б бериб бўлмайди. Буни яхи тушунган ширкат аъзола «қозон қайнатиш»га асқоиган қишлоқ хўжалик маҳлотлари етиштиришга ҳам оҳида эътибор беришмоқ

Биринчи марта 2 гектар йдонга шоли экилиб, тажба қилиб кўрилди. Натижон бўлмади. Гектардан 25 нтнердан ҳосил йиғиштиб олинди. Бу йил эса деҳонлар шолисорларни 5 гекрга етказиш тараддудини ришаяпти. Хўжалик аҳлитиёжига етарли миқдорда имсоқ, нўхат, пиёз каби маҳсулотлар ҳам ўзларидан кди. Бу йилдан бошлаб гўлга бўлган талабни тўлароқ ондириш мақсадида балиқ иликни ривожлантириилга туйиб қўйилган.

Республиканинг дон му ақиллигини таъминлаш йўини фаол қўллаб-қувватлаб, 60 гектар ерга экилган сара руғликдан 32 центнердан ҳол йил кўтарилди. Етиштирилган ҳосил аҳолини тўла таъминлайди. Шунингдек, сабзавот ва полиз экинларидан ҳам мўл-кўл ҳосил етиштирилди.

Энди, таъбир жоиз бўлса, хўжалик фаолиятининг иккинчи соҳаси ҳам ривожлантириб бормоқда. Чунки бу-лар ишлаб чиқариш корхотизимини вужудга келтиаси бу йил ишга тушади. Германия билан ҳамкорликда сутни қайта ишлаш кичик корхонаси қад кўтаради. Қишлоқларнинг қиёфаси ҳам ўзгариб бормоқда. Хўжакайрон эндиликда шаҳарни эслатадиган бўлиб қолди. Бу ерда савдо маркази, 2 та бозор, кўплаб савдо нуқталари бунёд этилди.

-- Биз қишда ҳам одамларимиз дастурхонининг сероб бўлиши чораларини кўриб қўйганмиз, -- дейди жамоаширкат хўжалигининг раиси Амрулло Чориев, -- музхона ташкил қилиб, унда ўн тонна олма, 5 тонна ошқовоқ ва бошқа истеъмол маҳсулотлари сақлаяпмиз.

Янги йилни ёруғ юз билан кутиб олаётган жамоанинг ишлари омадли бўлсин, дейимиз.

Асрор ҚИЛИЧЕВ, ўқитувчи.

• Ислоҳот одимлари

«АВВАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЎРГАН, СЎНГРА СОТИШНИ»

Кейинги пайтларда Самарқандда турли соҳалар бўйича республика семинар-кенгашларини ўтказиш одат тусига кирмоқда. Янги йил арафасида эса бу қадимий шаҳарга республикамизнинг деярли барча вилоятлари ва туманларидан матлубот жамиятлари ҳамда давлат савдоси идораларининг раҳбарлари ташриф буюришди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган бугунги кунда савдо дўконларини халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, турли ташкилотлар ўртасидаги молиявий муносабатларни такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этаётир. Самарқандлик матлуботчилар бу соҳада катта тажриба тўплашди. Шунинг учун ҳам республика «Ўзбекбирлашув» бошқаруви ўз тасарруфидаги ташкилот ва идоралар раҳбарларининг семинар-кенгашини Самарқандда ўтказишга қарор қилди.

-- Аслида биз катта бир янгилик яратаётганимиз йўқ, -- дейди вилоят матлубот уюшмалари бошқарувининг раиси Ўткир Ҳусаинов. -- Фақат бугунги кун талабларини ҳажаришга интилаяпмиз, холос. Агар шундай қилинмаса, дар иқтисодиёти шароитиналг аввало, савдо корхокасодга учраши мумарказзидан 100--200 километр масофага ташиш бир муаммо бўлса, уни дўконларга тарқатиш ва аҳолига сотиш учун кетган вақт ва ҳаражатларнинг ўзи иккинчи муаммо эди. Хуллас, ортиқча сарф-ҳаражатлар ҳам нарх-навонинг кўтарилишига туртки бериши сир эмасди.

Ана шуларни ҳисобга олиб, вилоят матлубот уюшмаси бевосита туманларнинг ўзида турли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, кичик цехлар қурмоқда. Бугунги кунда матлубот уюшмасига қарашли халқ истеъмоли моллари тайёрланадиган 372 та цех фаолият кўрсатаётир. Олтита консерва заводи, колбаса, макарон, шарқ ширинликлари, музқаймоқ ишлаб чиқарадиган ўттиздан зиёд цехлар, шарбатли ичимлик тайёрлайдиган ўттиз иккита кичик корхона мунтазам фаолият кўрсатаётир. Масалан, кейинги 3-4 йил ичида уюшма вилоятнинг турли қўрғон ва қишлоқларида 282 та новвойхона, ширинликлар тайёрлайдиган цехлар очишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, иккита гилам тўқиш, олтита тикувчилик цехлари ишга туширилди. Фақат ана шулар ҳисобига вилоят матлубот уюшмаси 3689 та янги иш ўринларини яратишга эришди. Бу корхона ва цехларда жорий йилнинг ўзидаёқ икки юз миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

-- Албатта, бу ишлар йўлйўлакай амалга оширилгани йўқ, -- дейди матлубот уюшмаси раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Михаил Христофорович Каранов. -- Бунинг учун пухта режалаштирилган тадбирлар амалга оширилди. Маълумки, ҳозир бирорта кичик цех ёки корхонани ишга тушириш осон эмас. Катта заводлар ва озиқ-овқат комбинатларинику айтмаса ҳам бўлади. Шу мақсадда уюшмага озиқ-овқат технологиясидан хабардор кўплаб муҳандисларни жалб этдик. Уларни тажриба ўргангани Россия ва бошқа мамлакатларга юбордик. Эндиликда Самарқанд вилоят матлубот уюшмасида янги технологияларни ўрнатиш ва ишга тушириш бўйича республикада энг кучли мутахассислар тўпланганини кўпчилик тан олмоқда. Улардан ёрдам сўраб нафақат бошқа вилоятлар, балки кўшни давлатлардан ҳам мурожаат этиб туришади.

Бугунги кунда вилоятнинг Оқдарё, Жмбой, Ургут, Паст Дарғо, Каттақўрғон, Тайлоқ, Пхтачи, Қўшработ туманларида йилига 3-4 миллион шартли банка компот ва консервлар тайёрлайдиган заводлар, миллионлаб сўмлик масулот ишлаб чиқарадиган озиқ-овқат комбинатлари фаолият кўрсатаётир.

Хўш, вилоят матлубот уюшмасига қарашли корхона ва цехлар аҳоли дастурхонини тўкин қилиш ишига қандай ҳисса киритди?

Қуйидаги рақамлар буни ҳар қандай сўздан ҳам яхшироқ изоҳлаб турибди. Шу йилнинг ўзида ушбу корхоналарда 69890 тонна нон, 304 минг декалитр алкоголсиз ичимликлар, 740 тонна кондитер маҳсулотлари, 87 тонна колбаса, 27535 минг шартли банка консерва, 513 тонна қуруқ мева, 88 тонна макарон ҳамда кўплаб бошқа маҳсулотлар тайёрланди. Бунинг ҳисобига уюшма ўн икки миллион сўм соф фойда олди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари икки кун давомида вилоятнинг баъзи туманларида бўлиб, у ердаги матлубот уюшмасига қарашли корхоналар фаолияти билан танишдилар. Улар, агар ҳамма жойда иш Самарқандда бўлганидек, «Аввал ишлаб чиқаришни ўрган, сўнгра сотишни» дастури асосида ташкил этилса, халқимиз дастурхонининг тўкин-сочин бўлишига ишонч ҳосил қилдилар.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1994 ЙИЛ 2 АБРДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

АМИР ТЕМУР ТАУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ЁРДАМЛИК КУРИШ ВА УНИ УТКАЗИШ ИЛИЙ ҚУМИТАСИНИНГ АРКИБИ

1. Боши 1–бетда).

Р. ЮНУСОВ -- он Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий исининг ўринбосари

Б. ҲАМИДОВ - тон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари -- молия ашкилий қўмита раисининг ўринбосари

К. БАКИРХОН зирлар Маҳкамаси бўлими мудири, ташкилий қўмитанинг ибси

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА АЪЗОЛАРИ:

К. ТЎЛАГАНО кент шаҳар ҳокими

А. АБДУЛЛАЕ бекистон Республикаси дин ишлари қўмитаси раиси

Ж. АБДУЛЛА екистон Республикаси Фанлар Академияси президенти вази жарувчи

П. АБДУРАҲ -- Самарқанд вилояти ҳокими

Б. АҲМЕДО истон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Р. АҲМЕДО кистон Республикаси мудофаа вазири

Л. АҲМЕТО тотранс» корпорацияси раиси

С. АҲРОРО вкинокомпания» раисининг биринчи ўринбосари

Ф. АШРАФ бекистон меъморлар уюшмаси раиси

А. ЗАЙНИТ -- Шаҳрисабз шаҳри ҳокими

Б. ҲУСАНБ Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси

В. МИХАЙ Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вази

А. МУҲАМНОВ -- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси

А. ОРИПО кистон халқ шоири

Б. РАҲИМ екистон Фахрийлар кенгаши раиси

К. РАҲИМ бекистон республикаси алоқа вазири

Ғ. РАФИҚ бекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси бош директори

А. ШАЙХ екистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари

А.КОМИ бекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

О. САЛИ збекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазир

Э. ҲАЙИ Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири

Т. ХИДИ шқадарё вилояти ҳокими

Р. ШОФ -- Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ра

Т. ШИР Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси археология директори

Ж. ЙЎЛ Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири

Ш. ЯҲЁ елерадиокомпания» раиси

М. ҲАЗЕ -- ЎзА бош директори

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ИШОНЧ

Ўтган 1994 йил, яъни 1414 ҳижрий йилда мамлакатимизда ғоят улкан ишлар қилинди; фахр этмаган юрак бўлмаса керак. Тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган юздан ортиқ катта ишларнинг гувоҳимиз. Меҳнат қилиб, тер тўкиб, бир лаҳза дам олган инсонда ортга қараб қўймоқ, ўз ишига кўз ташламоқ одати бор.

Биз юртимизда қилинган мислсиз буюк ишларни хаёлдан ўтказаяпмиз, пешонадаги терни артиб, олдинга босиб, яна енг шимармоқдамиз... Ўз ишимизга, танлаган адолатли йўлимизга ишонч келгуси йилдаги ҳайрли ниятлар кўз олдимизда ярқираб турибди. Оллоҳ ўзи қушойиш берсин. Халқимиз матонатигаю заковатига ишонамиз. Чунки ўз меҳнатига ишонмоқ -- доно кишининг сифатидир.

Ривоятларга кўра, қадим Турон замин қалъаларидан бирида икки оға-ини яшаган экан. Бирлари катта бўлиб, мадрасада таҳсил кўриб, жаннат илинжида ҳамма бошқа ишларни йиғиштириб, эртаю кеч тоат-ибодат қилибди. Бу ҳам етмагандай, тоғ бағридаги ғорни ўзига макон этиб, текис харсангтош устида тинимсиз ибодат қилибди; пешона ва тизза излари тошда қолибди. У эртаю кеч Худодан жаннатни сўрабди. Унинг иниси -- давангир қоматли йигит коржома кийиб, эртадан кечгача карвонсарой биноси қурилишида ҳаммоллик қилар экан: топган динор-тангаларига бозордан хўрак келтириб, болаларини боқар экан. Йўл-йўлакай учраган ғарибу ғураболарга садақа бераркан. У ўзининг ҳар кунги меҳнати билан банд, на жаннатни, на ҳури ғилмонларни таъма қиларкан... Фаришталар сардори Жаброил алайҳиссалом бир куни Арши Аълода тангри таолога мурожаат этиб, бир банданг тоғ канорида эртаю кеч ибодат қилиб, сендан жаннат сўрамоқда, иккинчиси лойга ботиб меҳнат қилмоқда... Уларнинг қай бири жаннати, деб сўраганларида, Оллоҳ таоло айтибди-ки: «эртаю кеч жаннат таъма этиб, ғорга кириб олиб ибодат қилаётган зоҳид-жаннати эмас, ўзининг ҳалол меҳнати билан болаларини боқаётган, эл-юрт хизматига яраётган ўша коржомадаги бандам-жаннати», -- деган экан.

Ҳа, Ватаним, элу юртим, деб ўзликдан кечиб, терга ботиб меҳнат қилаётганлар ўз ишига, ўз йўлига, ўз халқига ишонганлар, юртимни жаннат қиламан, деганлар жаннатидир! Ишончи йўқ, ўзини четга тортиб, орқа эшикдан жаннатга кираман деяётганлар, умум ишимизга ҳалақит бераётганлар, таъмагирлар, гуруҳбозлар... дўзахидирлар!

Ишончу иймон Янги йилда ҳам барчамизни муроду мақсадимизга етказсин!

• *Экспресс-интервью*

ЖУРНАЛИСТЛАР АНОЙИ ЭМАС...

Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ, «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» газеталарининг бош муҳаррири.

Ўтиш даврининг вақтинчалик қийинчиликлари, бозор иқтисодиёти муаммолари қаламкашларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Лекин журналистлар ҳам анойи халқ эмас, тушкунликка тушмайди. Булар ўткинчи машаққатлар эканини англаган ҳолда 1994 йилда аҳволни яхшилашнинг турли йўлларини изладик.

Энг аввало таҳририятнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, журналистларни ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш ҳақида бош қотирдик. Газета саҳифаларида турли тижорат, реклама материалларини кўпроқ бера бошладик. Вилоят газеталари қошида тижорат маркази ташкил этдик. «Тадбиркор» деган тижорат-реклама ҳафтаномасини ҳам чиқаряпмиз. Шундай тадбирлар натижасида 1994 йилнинг ўзида 150 минг сўм соф фойда кўрдик. Бу маблағ газета савиясини яхшилаш, журналистларни рағбатлантиришга сарфланди. Хуллас, ҳамкасбларимизнинг ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан хотиржам бўлишлари учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик.

Ўтаётган йилдаги муҳим воқеа -- Ўзбекистон Олий Мажлисига сайловлар бўлди. Бунда бизнинг жамоа ҳам астойдил хизмат қилди. Ҳатто газетани олти саҳифали қилиб чиқаришга ҳам тўғри келди. Журналистларимиз ҳар бир номзодни халққа таништиришда холисона ёндошдилар. Бу йилги сайлов ҳар йилгидан ўзгача бўлди. Энг муҳими, сайловчилар номзодга овоз беришда адолатли ёндошдилар. Натижа яхши бўлди. Депутатликка ҳақиқий фидойилар сайландилар.

Ҳамкасбларим учун янги йил омад ва муваффақиятлар келтиришини тилайман. Ниятим-ўзим раҳбарлик қилаётган жамоа аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш -- жамоадаги 55 ходимнинг ойлик маошини янада оширишга эришиш.

Газета-ҳамиша халқ ҳаётининг ойнаси, эл кайфиятининг барометри бўлиб келган. Ана шу қутлуғ минбарнинг обрўсини янада кўтаришга, унга бўлган эл ишончини янада ошириш матбуотнинг халқ билан ҳукумат ўртасидаги мустаҳкам кўприк бўлиб қолишига ўз ҳиссамизни қўшиш-янги йилда ҳам фаолиятимиз мезони бўлиб қолади.

БОЛАЛАРИМНИНГ БАХТИНИ БЕРСИН!

Тўхтахон ИЛЁСОВА, уй бекаси (Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани):

Бир ўғил, уч қизим бор. Иккита набирали бўлдим. Бу йил дадаси қазо қилганига ўн беш йил бўлибди. Ўшанда кенжатойимиз Наргиза ҳали чақалоқ эди...

Тўрт норасида бола билан қолганимга ачиниб, баъзилар менга турмушнинг ҳар хил осон йўлларини таклиф қилишганди. «Қизларингни болалар уйига топшир, ўғлингни-қариндошларга»... дегувчилар ҳам бўлганди. Рўзғор юки тушган ёлғиз бошим, яхшики, хушини йўқотмаган экан». «Атлас бўлмаса чит кийдириб, ош бўлмаса нон едириб бўлсаям болаларимни бағримдан қўймайман», дедим.

Ошпазлик ҳунаримни ишга солдим... Болаларим ёнимга кирди. Ўғлим Озодбек билим юртида ўқиб ошпазликдан таълим олди. Нигора чевар бўлди. Холида бу йил машинкада ёзиш курсини битирди. Наргиза ҳисобчилик курсига қатнаяпти. Одамлар олдига дастурхон ёзиб, мазали иссиқ овқат тутишнинг гашти зўр бўлади. Ўзимча ҳар хил пиширикдар тайёрлашни яхши кўраман. Пиширган овқатингни хўрандалар иштаҳа билан танаввул қилаётганини кўрганда одамнинг завқи келади...

Икки йил бўлди, саломатлигим жойидамас. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Лекин нолимайман. Турмушимиз ёмонмас. Вояга етмаган икки қизимга раҳматли Жамол акамнинг ишхонаси нафақа тайинлаган. Нафақа пулларини кассага ўтказиб қўйганман Болаларнинг тўйига отасининг пулидан қўр бўлсин, дейман.

Халқимизда пул бор... Ҳеч ким йиқилиб қолгани йўқ. Меҳнат қилганки, тиришганки одам-дурустгина турмуш кечиряпти.

Мана, мен ногирон ҳолим билан, бева бошим билан бу йилнинг ўзида қизимга атаб стенка, гилам олдим. Ҳаммамизга икки уч-сидра ёзлик, қишлик кийимлар олдик. Омборда бўлмасаям, ошхонамда қопда ун, гуручимиз, флягада омухта ёғимиз бор... Бировдан бир тийин қарзимиз йўқ... Ҳар қалай, эски йилни миннатдор кузатяпмиз, янги йилни хотиржам кутиб оляпмиз...

Янги йил янада қутли келсин. Юртимизда тинчлик, элимиз дастурхонида қут-барака бўлсин. Кўпнинг қаторида менинг болаларим ҳам омон бўлсин. Бахтини берсин!

Мен «Халқ сўзи» газетасини, «Сирли олам» журналини кўп ўқийман. Уларда қизиқарли нарсалар босилади. Лекин, биз ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз. Истардимки, янги йилда оддий фуқароларга қонунлар мағзини тушунтириб берадиган савол-жавоблар кўпроқ босилса.

Насиб қилса гузаримизда дўконча очмоқчиман.

• *Мерос*

Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи бутун дунёда, жумладан республикамизда катта ҳурмат-эҳтиром билан нишонланганини кўриб, илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига унинг қўшган ҳиссаси нечоғлик улкан эканлигини яна бир бор теран ҳис қилиб турибмиз. Самарқандда ўтказилган халқаро конференция, илмий семинар, учрашувлар ва бошқа турли тўй маросимлари ва тантаналарда қатнашар эканмиз Улуғбек бобомиз билан ҳақли равишда фахрландик, унинг қадами теккан мўътабар заминда яшаб турганимиздан қувондик.

УЛУҒБЕК ИБН СИНОДАН ЎРГАНГАНМИ?

Турли мамлакатлардан келган меҳмонлар, етук олимлар бобомизнинг фалакиёт илмида эришган ютуқлари оптик асбобларсиз ўтказилган астрономик тадқиқотлар ичида мукаммаллиги ва аниқлиги билан ажралиб туришини, ўз оригиналлигини ҳозиргача йўқотмаганлигини, улар яна кўп асрлар давомида тадқиқотчилар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар. XV асрдаёқ шундай ноёб обсерватория қурилиши, Улуғбек академиясининг ташкил этилиши, йирик кашфиётлар қилиниши тасодифий бўлмаганлигини айтдилар.

Дарҳақиқат, фанда ҳеч бир кашфиёт тасодифан, қуруқ, бўш жойда пайдо бўлмайди. Ҳар бир қонун, кашфиётнинг мазмун-моҳияти йиллар, асрлар давомида пишиб, етилиб боради, авлоддан авлодга берилади. Охир-оқибатда пишиб етилган илм мевасини териш, тартибга келтириш, афкор оммага етказиш Улуғбекдек буюк даҳоларга насиб этади.

Илм-фаннинг Самарқандда ривожланиши учун темурийлар салтанатида сиёсий ва иқтисодий, илмий ва диний шароит етилган бир замонда Мирзо Улуғбек дунёга келди. Қолаверса, Темур авлодларининг ўта қобилиятли бўлганлигини таъкидлаш лозим. Чунки бу авлод ҳукмронлиги даврида темурийлардан ўттиздан ортиқ тарихчи, шоир ва олимлар етишиб чиққан эди. Улуғбекка эса табиат алоҳида бир қобилият инъом қилган эди. Набирасидаги бу қобилиятни авваломбор Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи сезган ва баҳолаган. Подшоликдаги турли йиғин, мажлисларда олимлар билан бўлган суҳбатларда, турли мамлакатларга юришларда иштирок этиш хотираси маҳкам, ўткир зеҳнли гўдакни йирик орзулар қанотига миндириб қўйган бўлса ажаб эмас. Улуғбекнинг алоҳида мактаб кўрганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Бўлажак олим энагаси Сарой-Мулкхоним ва васийси Шоҳ Малик тарбиясини олган. Хиротда бўлганида отаси Шоҳрух Мирзонинг бой кутубхонасида ноёб китобларни мутолаа қилган. Бу кутубхона Улуғбекнинг илм олишида муҳим манба бўлгани шубҳасиз.

Олимларнинг фикрича, Марказий Осиёда Ислом ҳалифалиги ўрнатилгунча ҳам илм-фан ва маданиятнинг юқори даражада бўлганлиги, ўрта асрларда фан маркази Ислом мамлакатларига кўчганлиги, бунда йирик алломаларнинг етишиб чиққанлиги Улуғбек академиясининг яратилишига пойдевор бўлган. Академик Т. Н. Қори Ниёзий ўзининг «Улуғбекнинг астрономия мактаби» деган китобида «Улуғбек юнон олимлари Платон, Аристотель, Гиппарх, Птолемейларнинг классиклар асарлари билан таниш бўлгани шубҳасиз; ватандошлари ал-Фарғоний, ал-Беруний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ва бошқаларнинг асарларини жуда яхши билган» -- деб ёзади. Шундай қилиб, бобомиз Улуғбекнинг илмий қарашлари шаклланишида, астрономия мактабининг ташкил этилишида салафларининг ҳал этувчи таъсири бор.

Аммо П. Булгаков ҳақли равишда афсус билан таъкидлаганидек, Улуғбек ва унинг сафдошлари ўз асарларида кимнинг қайси асаридан фойдаланганлиги ҳақида камдан-кам маълумотлар келтиради. Бундай камчиликлар ўрта аср алломаларининг кўпчилигига хос бўлиб, илмий маълумотлар қайси олим асаридан олингани кўрсатилмайди. Аммо, ҳайриятки, оз бўлса ҳам бундай маълумотлар бор. Уларга асосланиб илмнинг авлоддан авлодга берилиши, кашфиётларнинг кетма-кетлиги ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин.

Рус олими М. М. Рожанская Ўрта ва яқин шарқ мамлакатларида VIII-XV асрлар давомида астрономияга оид ёзилган «Зиж»лардан ҳозир юздан ортиғи маълум бўлган деб ёзади. Улардан 20 таси олимларнинг бевосита кузатишлари асосида ёзилган. Бу асарларнинг асосий кўпчилиги Птолемейнинг «Алмажистий» асари таъсирида ёзилган бўлиб, мазкур асарга шарҳлардан иборат. Абу Райҳон ал-Берунийнинг «Қонуни Маъсудий» китоби бу асарлари орасида энг йирик энциклопедик асар бўлиб, уни аллома 1037 йилда Ғазна шаҳрида ёзиб тугатган.

Манбалардан маълум бўлишича, Ибн Сино Птолемейнинг «Алмажистий»сини болалигида ўрганиб чиққан, кейинчалик бу асарга шарҳ ёзиб, қўшимчалар қилган. Ундан ташқари, Ибн Сино астрономияга оид 9 та рисола ёзган. Беруний ўзининг «Геодезия» ва «Қонуни Маъсудий» китобларида Ибн Синонинг Гурғон шаҳрининг географик узунлигини аниқлашга доир асари бўлганлигини, бу асар Гурғон ҳокими Кобус ибн Вашмгирнинг қизи Заррин Гисунинг фармойишига кўра ёзилганини маълум қилади. Ибн Сино географик узунликни ойнинг кульминациясига асосан аниқлаш усулини ишлаб чиққан ва 1014 йилда амалда синаб кўрган. Ибн Сино астрономиянинг энг қийин масаласини ҳал қилиб, фанга бебаҳо ҳисса қўшган. Орадан 500 йил ўтиб, 1514 йилда оврўпалик астроном Вернер эса ўзининг Птолемейнинг «Алмажистий» китобига ёзган изоҳларида бу усулни янги кашфиёт сифатида таклиф қилади. Улуғбекнинг устози ва сафдоши, йирик математик Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший ўзининг «Айлана ҳақида рисола» китобида «Қонуни Маъсудий»да икки градусли бурчак синусини топишда Беруний бир мунча хатога йўл қўйганини, бир градуснинг синусини аниқ топганини таъкидлайди. «Қонуни Маъсудий»ни ал-Коший ўқиган экан, демак бу китобдан Улуғбек ҳам хабардаор бўлиши керак. Дарҳақиқат, Жамшид ал-Кошийнинг отасига ёзган хатида бу ҳақда хабар беради. Бу хатда Мирзо Улуғбек саройида бўлиб ўтган икки илмий мажлис тафсилоти ёзиб қолдирилган. Биринчи мажлисда Улуғбек Қозизода Румийга «Қонуни Маъсудий»даги бир чалкаш масалани мажлис аҳлига тушунтириб беришни буюради. Аммо китобга қанча тикилган билан Қозизода шу мажлисда масалани ойдинлаштира олмади. Қозизода китобни уйга олиб кетиб икки кун таҳлил қилган ва бу масаланинг биронта шарти етишмаслигини иккинчи мажлисда маълум қилади. Шунда Улуғбек «Мавлоно, бу масалани сен еч!» -- деб менга фармон қиладилар деб ёзади ал-Коший. «Қонуни Маъсудий»ни менга бердилар. Беш-олти сатр ўқиб чиқибоқ масалани тушунтириб бердим, масалада ҳеч бир шарт тушиб қолмаган экан.

Бу сатрлардан маълум бўладики, Берунийнинг «Қонуни Маъсудий» китоби Улуғбек, унинг устоз ва шогирдлари даврасида энг зарурий қўлланма бўлиб хизмат қилган. Олимларнинг илмий мажлисларида Улуғбекнинг иштирокида ўқилган, муҳокама қилинган ва ҳар бир қўйилган масала чуқур таҳлил этилган. Демак, Улуғбек Ибн Сино асарларини ҳам ўқиган, чунки юқорида айтганимиздек «Қонуни Маъсудий»да Ибн Сино асарлари таҳлил қилинган. Энди Ибн Синонинг бошқа асарларини ҳам Улуғбек ўқиганига шубҳа қолмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аждодларнинг илмий мероси Улуғбек академиясининг, астрономик обсерваториясининг пойдевори бўлиб хизмат қилганига ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Бобоқул ЖЎРАЕВ, СамДД физика факультети доценти.

• *Эртанинг орзуси*

МАШИНАНИ ТАНЛАБ МИНАСИЗ

Ҳа, «Яхши ният -- ярим давлат» дейди доно халқимиз. Гарчи ҳозирги ўткинчи мушкулотлар баъзан кишини тажанг қилса-да, эртага умид кўзи билан қараётган одам истиқболда ёруғ кунлар борлигини кўрмаслиги мумкин эмас.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ақалли жонажон юртимизда иқтисодиёт (ҳатто алоҳида тармоқлар бўйича) соҳасида халқаро миқёсда қанчалик улуғ режалар амалга оша бошлаганини, чет эллик ҳамкорлар билан бунёд этилаётган қўшма корхоналар жаҳон стандартлари даражасида маҳсулот бера бошлаганини эслаш кифоя.. Олайлик, «Элтекс» ўзбек-турк қўшма корхонаси янги йилнинг дастлабки чорагида дунё бозорида 12 миллион АҚШ долларлик ўз маҳсулотини сотади! Ёки «Катекс», «Ўзэллас», «Ўзбат»...

Автомобилсозлик саноатида Хоразмдаги «Мерсёдес-Бенц», Андижондаги «Уз ДЭУ» ҳақида кўп гапирилмоқда. Табиий, бу корхоналар юртимизда огир юк машиналар ва енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қалдирғочи бўлиб қолади. Автосуворийлар Ўзбекистон тамғаси қўйилган шахсий машиналарига эга бўладиган кунлар ҳам узоқ эмас. Ҳозирча эса дунёнинг энг машҳур автофирмалари ўз маҳсулотлари билан бозорларимизга эркин кириб келишмоқда. Зеро, ҳар кимнинг диди ва имкониятига қараб, кўнгилдаги машинани гизиллатиб юрганга нима етсин!

Эътибор берган бўлсангиз, йўлларимизда анчадан бери сариқ рангли таксилар хизмат қилиб елиб юрибди. Улардан бир неча ой олдин синов тариқасида 1400 та келтирилган эди, «Туркиянинг унча яхши бўлмаган йўллари»га мослаштирилган машиналар Тошкент кўчаларида ҳам муваффақиятли синовдан ўтди. Шунингдек, «Тофаш» замирида ўзбек-турк «Тошкўчавто» қўшма корхонаси ҳам тузилди. Унинг вице-президенти жаноб Пўлатбейнинг таъкидлашича, тез кунларда яна 600 та автомобил келтирилади. Шуниси борки, улар 76-бензин билан ишлайди.

1995 йилнинг баҳорида Англиянинг ITE--»Халқаро савдо ва кўргазма» компанияси табобат ускуналари, дори-дармонлар ва бошқалар қаторида «Автоматошоу TIMC -- 95» йирик халқаро автомобиллар тақдимини ташкил қилишни мўлжаллаган. ITEнинг дунё бозорида мавқеси жуда юқори бўлиб, нефть-газ, автомобил саноати, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, алоқа ва қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган жаҳоннинг йирик фирма ёки компаниялари, албатта, у билан ҳамкорлик қилади.

ITEнинг «Мото-шоу» хизматида эса энг машҳур автомобил ишлаб чиқариш гигантлари -- «Хонда» ва «Фольксваген», Рено» ва «Фиат», «Ауди» ва «Дженерал моторос», «Форд» ва «Вольво», «Ситроен» ва «Акташ» умуман мижозларга маълум жами шу йўналишдаги корхоналарнинг ваколатхоналари бор. Бир сўз билан айтганда, улар компания уюштирадиган кўргазмаларда ўз маҳсулотларини намойиш этиш учун буюртма берадилар.

«Мото-шоу» кўргазмасини «Узавтотранс», «Тошшаҳарпастранс» корпорациялари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тадбиркорлар марказининг қўллаб-қувватлаши билан 10--13 июнь кунлари пойтахтдаги «Динамо» спорт саройида ўтказиш мўлжалланмоқда. Шу муносабат билан шоунинг менеджери жаноб Пол Адам Робин ташриф буюриб, тайёргарлиқинг бориши билан қизиқди. У ўз компанияси дунёнинг деярли барча минтақаларида кўргазма-савдолар уюштириб, бу борада яхши анъанага эга бўлганини таъкидлаб, доим истиқболли ҳудудлар уларнинг эътиборида бўлишини қайд этди. Жумладан, бозор иқтисодиёти йўлида собитқадам бораётган Ўзбекистонда имкониятлар катта, қолаверса, ўтмишда Шарқу Ғарбни, Осиё билан Европани боғлаган Буюк ипак йўли ҳам шу ерлардан ўтган.

Тошкентдаги кўргазмада аллақачон Америка ва Японияниг қатор етакчи фирмалари қатнашиш хоҳишини билдирдилар. ITE фирмаси тажрибасидан яхши маълумки, бундай кўргазмалардан кейин қўшма корхоналар тузилади, шартномалар имзоланади, ваколатхоналар очилади. Демак, энг яхши автомобиллар кириб келиши учун дарича пайдо бўлади. Яна шуниси борки, кўргазмага энг мукаммал намуналар қўйилади ва охирида сотилади. Албатта, спорт саройнинг 5 минг кв. метр майдонига анчагина машина сиғади. Демак, автомобилсозликнинг сўнгги ютуқлари асосида яратилган техника ишқибозларининг кўплари ҳурсанд бўлади.

Ҳаким САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• *Назм гулшани*

ТИЛАК

Эшик чертаётир, ақўстим, янги йил,
Шукрона айтайлик ҳар меҳмон кунга.
Яхшилардан сўйлаб, яхшиликдан кел,
Шўълалар оқсинлар бу дил-оғунга.
Унутгил бир эзмга ўтган кунларни,
Ёқимли мўжзалар умрга ёғсин,
Унутгил бир эзмга борд «кам»ларни,
Соғинч оқ сочига қувонч -- гул тақсин.
Ақўстим, юр, чиқайлик истиқболига,
Кўнгил ҳудларидан роз айтайлик, роз?
Тилайлик элимнинг истиқболига --
Умрлар, умрки шонли беқиёс!
Ҳидоятли кунда дерлар кафт-очиқ,
Чин ният айласанг бўлар ижобат,
Неки кафт, юракка бахт тўғин санчиб,
Юртга тилагаймиз шараф, фаровғат.
Яна... тарк этмасин халқимни жўръат,
Ўктамлик кетмасин юракларидан,
Шижоат этсин... ва яна қувват,
Ғамим ҳадик олсин билакларидан.
Бахтини бут қилсин, халқимни пок,
Асрасин дилларин ҳасаддан, даҳдан.
Ақўстим, кел ният қил, тилак қил,
тилак;
Умрбоқий бўлсин бу эл, бу Ватан!
Эшик чертаётган янги йил, хуш кел,
Хуш кел, айланайлик қадамларингдан,
Юрак, нуқраларинг пойига тўккил,
Нурпош кунлар бўлсин оламга пайванд.

Санобар НИЗОМХОН қизи (Фахриддинова).

• *Байрам дастурхонига*

КИБРИЁ ОПА ОШХОНАСИДА...

Айтишларича, буюк адибимиз Абдулла Қаҳҳор хонадонидан одам аримас экан. Ва... меҳмон қайси вақтда келса ҳам, дастурхонда иссиқ патиру янги тайёрланган ширинликлар муҳайё бўларкан. Бу -ёзувчимизнинг билимдон умр йўлдоши, сариштa уй бекаси Кибриё опанинг меҳр билан тайёрлаган қўлбола неъматлар бўлиб, уларнинг мазаси оғизда қолган, таърифи якин-йироқларга кетган экан.

Мухбиримиз муҳтарама Кибриё Қаҳҳарова ошхонасида бўлиб, адибларни ром этган таомлардан баъзиларининг асрорларини пазанда уй бекалари маҳоратига ҳавола этмоқда.

ПИЁЗЛИК ЁҒЛИК ПАТИР

Тоғорача (лаганча)да сут ёки сувга хамиртурушли хамир қорилади ва оширилади. Бу вақтда пиёз нафис қилиб тўғралиб, унга майдаланган қизил қалампир аралаштирилади. Сариёғ эритилади.

Зувала қилинган хамир ўклоғ билан картон қоғоз қалинлигида текис қилиб ёйилади. Ёйма устига эритилган сариёғ суртилиб, хамир юзига нафис қилиб тўғралган пиёз бир текисда сочилади. Сўнг ёйма ҳамир бир четдан ўзига ўзи ўралади. Ўрим ўқлоқ йўғонлигида бўлгач, ётган жойида хамир кесиб олинади. Қолган иккинчи қисми ҳам ана шу тахлитда ўралади. Ўрамлар оҳиста бураб-бураб кулча илон шаклида йиғилади. Четлари очилиб кетмаслиги учун кулча юзига қайириб босиб қўйилади. Ҳосил бўлган кулча қўл кафтлари ва бармоқ учларида эзиб, патир катталигига келтирилади. Патирнинг қалинлиги 1-1,5 см; диаметри 20-30 см катталикда бўлади.

Иситилаётган духобка патнисига олинган патир юзига бир қошиқ қатиқ суртилади ва ўртача иссиқликда қирқ дақиқа пиширилади. Таги ва ичи яхши сингиб пишган патир юзига енгил сув сепилиб, духопкада яна 10 дақиқа пиширилади.

Патирни дастурхонга иссиғича тортилади. Агар уни олдинроқ тайёрлаб қўйсангиз, совутиб, полиэтилен халтада музлатгичга қўйиб асрашингиз мумкин. (Бунда патир ичидаги пиёз ҳидланмай, янги туради.) Дастурхонга тортишдан аввал уни духопкада қайта иситишни унутманг.

МАСАЛЛИҚ: Бир кило биринчи навли ун, бир кило пиёз, 200-250 грамм сариёғ, бир қошиқ қатиқ, икки бодомча хамиртуруш, таъбга қараб туйилган қизил қалампир, ярим литр сув ёки сут ишлатилади.

ЙЎЛЛАРИМИЗ ТИНЧ, БЕХАТАР БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги А. БАДАЛБОЕВ билан мусоҳаба

-- Анвар ака, нақлиёт милициясининг ўзига хослик томони нималардан иборат?

-- Нақлиёт милицияси тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дастлабки милиция бўлимлари Тошкентда 1920 йилда ташкил топган. Шундан бўён Ўрта Осиёда поездлар таркибини қўриқлаб, уларни манзилларигача бехатар кузатиб борадиган милиция бўлимлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мустақиллик шарофати билан Нақлиёт ички ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ ихтиёрида қайтадан ташкил топди. Бизнинг асосий мақсадимиз йўловчиларни манзилларига омон-эсон ва бешикаст етказиш ҳамда ташилаётган юкларни соҳибларга бус-бутун топширишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча темир йўллар ва тайёрагоҳлар бизнинг хизмат кўрсатиш доирамизга киради. Қозоғистон билан чегарадош бўлган Келесдан бошланиб, бир томони Бейноу бекатигача, яна бир томони Бухоронинг Фароб бекатигача, иккинчи томони Тожикистон билан чегарадош Сариосиё бекати ва яна бир ёғи Андижоннинг Қирғизистон билан чегарадош Савай бекатларигача бориб тақаладиган темир йўлларда бизнинг ходимларимиз жиноятчиликка қарши кураш олиб бормоқдалар.

Мазкур темир йўл ёқаларида 300 дан зиёд бекат жойлашган. Уларнинг катта қисмида юкларни қабул қилиб олиш ва жўнатиш каби ишлар амалга оширилади. Бу йўллардан қарама-қарши йўналишда кечаю кундуз юк ташувчи ва йўловчилар поездлари келиб-кетиб туради. Шунингдек, 10 дан ортиқ аэропортга ҳам хизмат кўрсатамиз. Буларнинг ичида Тошкент аэропорти алоҳида ўрин тутади. Бу ердан ҳозир Деҳли, Жакарта, Анқара, Куала-Думпур, Варна, Қобул, Прага, Лондон каби дунёнинг йирик шаҳарларига бемалол учиб бориш мумкин. Бу ҳам ўз навбатида биз нақлиёт милицияси ходимларидан алоҳида ҳушёрликни талаб қилади.

Бошқармамизнинг республикамиздаги бошқа вилоятларида бўлим ва бўлинмалари мавжуд. Айни пайтда барча шоҳобекатлардаги бўлимларнинг ходимлари асосий эътиборни жиноятчиликнинг пайини қирқишга қаратишмоқда. Биз ўзимиз билан чегарадош ҳудудий ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Зарурат туғилганда ҳамкорликда тезкор тадбирлар ҳам ўтказамиз. Республикамизнинг қўшни давлатлар билан чегарадош туманларида назорат-рухсат пунктларини очганмиз. Масалан, Сариосиёда ана шундай бўлимимиз бор. Бир йилнинг ўзида ана шу бўлинма хизматчилари томонидан Ўзбекистонга келаётган ҳужжатсиз шахсларнинг бир неча минги қайтариб юборилди, қурол-ярог олиб ўтишга уринган кишилар ушланди, жуда кўп миқдорда «оғу» олиб келаётган гиёҳвандларни тутиб, уларга нисбатан жиноий иш қўзғадик.

-- Собиқ Иттифоқ даврида милиция ҳаётида ҳам талай чигалликлар мавжуд эди. Мамлакатимиз мустақил бўлгач, қатор қонунлар қабул қилиндики, уларда милиция имтиёзи, муҳофазаси ҳам муҳим ўрин тутади. Бу эса иш жараёнида англашилмовчилик, баъзан нуқсонларни бартараф этишда, фаолиятнинг кўламини оширишда катта роль ўйнаши, шубҳасиз. Сиз бунга нима дейсиз?

-- Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юқорида айтиб ўтганимиздек, биз ҳам Ўзбекистон ихтиёрига батамом ўтдик. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бир қатор янги буйруқ ва кўрсатмалар, меъёрий далолатномалар ишлаб чиқилди. Буларни ишлаш жараёнида халқимизнинг бой маданий мероси, урф-одатлари, анъаналарига бевосита ёндошилди. «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизматни ўташ тўғрисидаги вақтинчалик Низом» каби бир қатор буйруқ ва далолатномалар мавжуд. Шунингдек, ўзбек миллий қадриятлар асосида милиция ходимларининг «Касб одобномаси» кучга кирган. Иш жараёнида ходимларимиз касб одобномасига, унинг ўгитларига амал қилиб, келмоқда. Бу эса айтганингиздай, ўзаро англашилмовчиликнинг олдини оляпти. Халқ ва милиция ўртасида яқин муносабат ўрнатилмоқда. Бошқармамизда шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ҳам бор. Бу ерда шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазалаш гуруҳи мавжуд. Шу гуруҳ томонидан шахсий таркибга милиция ходимларининг имтиёзлари, муҳофазалаш қоидалари тушунтириб берилмоқда. Масалан, ҳар бир милиция ходими ҳаёти суғурта идоралари томонидан суғурталанган.

-- Милиция ходими айрим ҳолларда хавф-хатар билан ёнма-ён юради. Шу туфайли бу хизматга бел боғлаганлар жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишлари керак. Аммо халқда «Билагн зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар», деган нақл бор. Шу жиҳатдан уларнинг маънавий оламини бойитишда, аниқроғи ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маърифий онгини шакллантиришда қандай ишлар олиб борилмоқда?

-- Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизматни ўташ тўғрисидаги вақтинчалик Низомга мувофиқ, эндиликда ички ишлар идораларига хизматга бўйи 170 см.дан кам бўлмаган, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон фуқаролари бўлган ёшлар қабул қилинмоқда. Хизмат давомида ходимларимиз касб-маҳоратини оширишга алоҳида диққат-эътибор қаратилган. Шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг шу масалалар билан шуғулланувчи касб-маҳорат ва жисмоний тайёргарлик гуруҳлари мавжуд. Ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари жисмоний тайёргарлик машғулотлари бўлади. Ходимларимиз сузиш, шарқ яккакураши сирларини ўрганишади, футбол, волейбол, теннис, қўл тўпи ўйинлари бўйича мусобақаларда мунтазам қатнашишади. Мақсадимиз жиноятчини қуролсиз енгишдир. Бундан ташқари вазирликнинг махсус буйруғига кўра, ҳар душанба куни эрталаб бошқарма ва унинг жойлардаги бўлимларида «Маърифат дарслари» ўтказилади.

-- Бир олимдан «Бўш вақтингизда нима билан шуғулланасиз?» деганингизда «Овқатланаман», деб жавоб берган экан. Бу -- менда бўш вақтнинг ўзи йўқ дегани. Мен ҳам Сизга айнан шу савол билан мурожаат этмоқчиман. Китоб, кино, театр, оилавий суҳбатлар, дегандай...

-- Айтганингиздай, бўш вақтнинг ўзи йўқ. Байрам ва дам олиш кунлари ҳам халқ осойишталигини сақлаш учун хизматга отланамиз. Бўш вақт топилди, дегунча китоб ўқийман, янги газета ва журналларни бир карра кўздан кечириб чиқаман. Айниқса, «Халқ сўзи» севимли нашрларимдан. Унинг ҳар бир сонини мунтазам ўқийман.

-- Янги йил арафасида «Халқ сўзи» муштарийларига таклиф ва истакларингиз...

-- Аввало, «Халқ сўзи» жамоасини ва унинг кўп минг кишилик муштарийларини кириб келаётган янги 1995 йил билан чин кўнгилдан табриклайман. Янги йилда қаламларингиз янада ўткир, ижодларингиз баракали бўлишини истайман.

Газетангиз саҳифаларида нафақат нақлиёт ички ишлар бошқармаси тўғрисида, балки, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳақида тез-тез мақолалар ёритиб туришингизни истардим. Чунки, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Ҳуқуқ-тартибот тантана қилмас эмас, қонуний давлат тузиб бўлмайди».

**Суҳбатни «Халқ сўзи» мухбири Э. БОЛИЕВ

Эркакларнинг ўпишиши жуда хунук нарса-да, укагинам.

Ғафур ҒУЛОМ.

ЛАБ ҲАҚИДА ДОСТОН

(Шу номли трилогиянинг иккинчи китоби)*

САИД АҲМАД,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Камондан отилган ўқдек учиб келаётган автобус асфальтда қора из қолдириб қийқириб тўхтади. Асфальтдан ҳам, резина ғилдираклардан ҳам тутун чиқиб кетди. Йўловчилар эшик очилишини ҳам кутмай деразадан ўзларини ерга отишди. Эшик олди тиқин бўлиб қолган, ичкарида қолиб кетганларнинг шовқинидан йўл бетидаги уйларнинг деразалари зириллайди. Омон-эсон ерга тушиб олганлар орқаларига қарамай тирақайлаб қочаяптилар.

Нима гап? Тинчликми?

Бу сўроққа жавоб берадиган биронта мард топилмайди.

Чўкаётган кемани энг охирида капитан тарк этади, дегандек автобус ҳайдовчиси ҳам энг охирида ёқавайрон бўлиб қочиб тушди. Унинг этагидан шартта ушладим.

-- Тинчликми? --дедим бор кучим билан барини чангаллаб.

-- Э, сўраманг. Бир одам автобусда дуч келганини ўпаяпти. Эркакми, хотинми, барибир. Охири менга қараб лабини чўчайтириб келаётканди қочвордим.

-- Милиция чақириш керак, --дедим унга раҳмим келиб.

-- Автобусда тўппонча таққан милиционер ҳам бор эди, ўпаман, деб яқинлашаётгандаёқ жуфтакни рослаб қолди.

У шундай деб туриб этагини бир силтаган эди бари қўлимдан чиқиб кетди. Гапнинг охири огзида қолиб мультфильмдаги қуёндек бир зумда кўздан гойиб бўлди.

Бу ўпоғич одам ким экан, деб деразадан автобус ичига қарадим. Бир одам лабини ялаб, ҳўмрайиб ўтирибди. Во ажаб! Ё қудратингдан кетай. Ахир уни танийман-ку! Ўзига-ўзи жумҳуриятда хизмат кўрсаткан ўпоғич унвонини берган одам шу бўлади.

Ўпиш бўйича жаҳон чемпионлигига номзод бу одамни жуда яхши танийман. Темир бетонни ўпса шафтоли пўстидек юпқа қилиб юборадиган лаблари дунёдаги жами нарсаларни ўпиб бўлган. Осмонда учадиганлардан мурдахўр калахтни, сувда сузадиганлардан акулани, судраладиганлардан кобра илонни, ўрмалайдиганлардан қора қурт билан чаённи, вахший ҳайвонлардан шерни ҳам, борингки жами жонзотни битта қўймай ўпиб чиққан.

Агар унинг лабини кўп қаватли иморатга пойдевор қилинса, минг йилгача қилт этмай туриб беришига ўзим кафил бўламан. Мабодо бир кам минг йилда бирон ери қийшайса майли, мени номард экансан, денг.

Уни танийман, дедима? Тўғри, ёшлигидан бери биламан. У тига атир сурмайдиган,

елкаларига противогаз осмайдиган, номозхонлар масчидга беховатир борадиган бўлишганди.

Бу қандоқ сир-синоат бўлдики, ўлган одам автобусда лабини чўпиллатиб ўтирипти.

У дунёю бу дунёнинг сир-асрорларини биладиган бир доно одам мен ечолмаган тугунни шошилмай ечиб берди.

Гап бундоқ бўлган экан.

Одамлар қабристондан етти қадам узоқлашишлари билан қабр ичида Мункар накар ҳозир бўлди.

-- Хўш, -- деди у, -- тайёрмисан?

Мурда бошини кўтарди.

-- Аввал битта ўптир, ана ундан кейин сўроғингни қиларверасан. Кўп идораларнинг деворларига «Чекилмасин!» деган ёзувлар илиб қўйишади. Чойхона ва ошхоналарда эса «Спиртли ичимликлар ичилмасин» деган ёзув бўлади. Лекин бу томонларда бунақа ёзув бўлмаса ҳам ўпишиш мумкин эмаслигини ҳамма мурдалар билишади.

Мурданинг бояги гапидан кейин Мункар накар эсанкираб қолди.

--Мумкин эмас,--деди қатъий охангда. Биз томонларда ўпишиш ман қилинган. Ўпишиш гуноҳ.

--Ўпмасам жавоб бермайман --деди мурда шахд билан ўрнидан туриб. Мункар накар орқага тисарилди. Мурда унга томон шитоб билан кела бошлади. У қувди, бу қочди. Охири Мункар накар гурзисини ташлаб туйнукдан қочиб чиқиб кетди.

Мана, уч ойдирки ундан дарак йўқ. Тўғри, бир-икки марта гурзисини олгани келди. Лекин ичкарига киришга юраги бетламай қайтиб кетди. Бу орада ёнверидаги қабрларга жасадлар қўйилди. Бу ўпоғич мурданинг касофатидан улар ҳам сўроқсиз ётишарди.

Кечаси қабр девори дупиллади.

--Қўшни, уйғоқмисиз?--деган овоз келди у томондан. Тезроқ сўроққа жавоб беринг. Сизни деб биз ҳам сўроқсиз ётибмиз. Жаннатгами, дўзоҳгами, майли, қаёққа бўлса ҳам тезроқ борайлик. Жон қўшни, илтимос, сўроққа жавоб беринг.

--Сен аралашма. Агар менинг ишимга яна аралашадиган бўлсанг сени ҳам қийқиртириб ўпаман, билдингми. У томондан овоз келди.

-- Бизни ўпиш ҳам, бетимизни очиш ҳам мумкин эмас. Биз ювилган покиза мурдалармиз. Бу томондан жавоб берди.

-- Ювилган, покиза эмиш. Фоний дунёда қилган гуноҳларингни бир ғассол эмас кир машинаси ҳам ювиб тоза қилолмайди. Гўрингда тинч ёт, қўшнижон.

Шундан кейин икки томон ҳам жимиб кетди.

Турғунлик даврларида қамалганлар олти-етти йиллаб сўроқсиз ётаверадилар. Бу тарафларда қоида қаттиқ. Уч ой мобайнида Мункар накар сўроқ қилмаган мурдалар ёруғ дунёга қайтариб юборилади. Бу қоидани қаҳрамонимиз яхши биларди. Мана, унинг ўлганига ҳам уч ойдан ошди. Боқий дунёнинг қоидалари қаттиқ. Унга амал қилмаганлар дўзах ўтида куядилар.

Шундай қилиб боқий дунё процессуал қоидасининг алла қайси моддаси ва қайсидир пункти билан уни ёруғ дунёга чиқариб юборишди...

Энди уч келганни ўпиб, мен уч ой қоронғида ётканман, деб кўкрагига муштлаб юрипти. Баъзан йиғинларда сўз сўраб (сўз беришмаса ўпишдан қўрқишади) кўп жафо чекканини йиғлаб гапирарди. Унинг кўз ёши ҳам тайёр. Бир пасда дув тўкилади, қолади.

У романни тугатаётганимдан хабар топиб мени ўпишга йўлга чиққанини эшитиб Дўрмондаги боғимга қочдим. Неварам кечалари телефон қилиб туради.

--Бува, келмай туринг, лаб амаким буванг келса ўпаман, деб эшигимиз тагида пойлаб ўтиришиптилар. Ана шундан кейин трилогиянинг учинчи китобини ёзиш хавф остида қолди. Ёзсам ушлаб олиб, ўпади, ёзмасам, китобхонлар, учинчи китоб қани, деб тинчлик беришмайди.

Э, бирдорлар, ёзувчилик ҳам мушкул иш.

*** Трилогиянинг биринчи китоби «Ҳандон писта» тўплами 1993 йили нашр қилинган.**

БОЛАЛАРНИНГ ҒАМХЎРИ

Етимнинг бошини силаганни тангри қўллайди,--деган гап бор халқимизда. Мана беш йилдирки Юнусободдаги 21-болалар уйидан ёрдамини аямай келаётган хусусий фирма соҳибаси Сусанна Маннонова ана шундай инсонлардан. Ўзининг ёшлиги ҳам оғир қийинчиликлар билан ўтган Сусанна опа ўша вақтларданоқ доимо болалар билан бирга бўлишга, уларга қўлидан келган ёрдамини аямасликка, аҳд қилган эди. У болаларга шу қадар ўрганиб қолганки, ҳатто ўзининг ва фарзандларининг туғилган кунларини ҳам болалар уйида нишонлайди. У ташриф буюрганида бу ерга ўзгача файз кириб, байрам тусини олади. Ҳар сафар кичкинтойларга совға-саломлар олиб келади. Кейинги бир неча йил ичида ўз маблағи ҳисобидан болалар уйига кийим-кечаклар, уйинчоқлар, дори-дармонлар билан кичкинтойларни хурсанд қилди.

Бу йилги янги йил байрамида ҳам Соня она (уни болалар уйи тарбияланувчилари шундай деб атайдилар) қуруқ келмади. Болаларга ва уларнинг тарбиячиларига қимматбаҳо совға -- саломлар, ширинликлар тортиқ қилди.

Шу куни болалар уйига қатор чет эл элчихоналарининг ходимлари ҳам совға-саломлар билан ташриф буюришди. Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари Ш. И. Жалилов республикамиз Президенти номидан болаларга компьютер тортиқ қилди. Бу кун уларнинг кўзларида қувончнинг ёркин нурларини, юракларида келажакка бўлган ишончнинг мустаҳкамланганини сезиш қийин эмасди. Янги йил байрами болаларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса ажабмас.

СУРАТЛАРДА: 35-болалар уйининг тарбияланувчилари меҳмонларга ўз санъатларини намойиш этишмоқда; янги йил дастурхони атрофида.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИГА УЛКАН АРЧА ЎРНАТИЛДИ

Юртимизда қандай катта байрам бўлмасин пойтахтликларнинг Мустақиллик майдонига томон шошилиши кейинги йилларда одатий бир ҳолга айланди. Негаки, халқ сайллари билан уйғунлашувчи юртимизнинг неки байрами бор у, албатта, Мустақиллик майдонидан руҳ олиб, диёримиз бўйлаб тарқаляпти. Шунинг учун бўлса керак, пойтахтликлар ва меҳмонлар мўъжиза кутгандек ҳар байрамда Мустақиллик майдони сари шошилишади. Бундан мелодий йил ҳисоби бўйича янги -- 1995 йилнинг кириб келиш байрами ҳам мустасно эмас.

Мустақиллик майдонининг қоқ ўртасига баландлиги 22 метр бўлган, бошқача айтганда республикамиз бўйича энг улкан байрам арчаси ўрнатилди. Арча атрофидаги саҳнада бугун ва эртага болалар учун театрлаштирилган спектакллар намойиш қилинади. Болалар Қорбобо ва Қорқизни биринчи марта айнан шу саҳна олдида кутиб оладилар.

-- Янги йил одатда оила байрами сифатида ҳам нишонланади,--дейди Тошкент шаҳар маданият бошқармаси ходими Аҳад Мақсудов.-- Ҳар бир оила учун эса фарзандларининг мириқиб, завқланишисиз байрам татимайди. Шунинг учун ҳам пойтахтимиздаги истироҳат боғларидан, болалар сайилгоҳларидан турли хил атракционлар, арғамчоқлар, чархпалаклар келтириб, Мустақиллик майдонига ўрнатдик. Бундан ташқари байрам кунлари от-араваларда сайр қилиш уюштирилади. Турли хил спортча кўргазмали чиқишлар ва кишилар эътиборини тортувчи театрлаштирилган тадбирлар режалаштирилган.

Шунингдек, пойтахтликлар ва шаҳар меҳмонлари Мустақиллик майдонидаги кичик савдо ярмаркасига ташриф буюриб, фарзандларига ва кичкинтойларга турли-туман ширинликлар, уйинчоқ, китобчалардан иборат совғалар харид қилишлари мумкин. Совға лотерея ўйинлари ҳам уюштирилади.

Байрам кунлари ҳар йилгидек кишилар сайли бўлиши учун пойтахтимизнинг бош майдонида чора-тадбирлар кўрилиб, барча шароитлар яратилган.

Э. НУРБОВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

• Рекордлар, очколар, натижалар

«НАВБАҲОР» — ЭНГ СЕВИМЛИ ЖАМОА

Футбол бўйича Ўзбекистон III миллий чемпионати якунлари ўйингоҳларда томошабинлар бирмунча кўпайганлигини кўрсатди. Жумладан, ўтган йили «Навбаҳор» ўйинларини 303300 томошабин бевосита ўйингоҳлардан туриб кузатган бўлса, бу йил улар сони 368000 га етди. Бу борада Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. «Нефтчи»нинг ўйинларини жами 226700 томошабин кузатган. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасида эса бу кўрсаткич 128900 ни ташкил этди.

ИШОНЧЛИ ДАРВОЗАБОН

Ўтган икки чемпионатда «Нефтчи» жамоаси дарвозабонлари ўз дарвозалари даҳлсизлигини узоқ муддат сақлаб туриш бўйича юқори натижалар кўрсатишган эди. Ўзбекистон III миллий чемпионатида эса «Нурафшон» дарвозабони Александр Тинянов бу борада ғолиб чиқди. У бошқа дарвозабонларга нисбатан кўпроқ дақиқа ўз дарвозаси даҳлсизлиги (493 дақиқа) таъминлади. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан ҳам 100 дақиқа кўп демакдир. Бироқ бу борадаги рекорд 1992 йилги мавсумда «Нефтчи» дарвозасини қўриқлаган Николай Стасюкка тегишлидир. У 603 дақиқа мобайнида ўз дарвозаси даҳлсизлигини сақлаган эди.

«ҒАЛАБАГА БЎЛГАН ИРОДАСИ УЧУН»

Ҳа, собиқ Иттифоқ футбол чемпионатида шундай соврин таъсис этилар эди. Мамлакатимиз чемпионатларида ҳали бундай соврин таъсис этилмаган. Агар шундай соврин бўлганда, уни бу йил Бухоронинг «Нурафшон» жамоаси қўлга киритган бўларди. Бухороликлар мавсумда тўрт марта ўйин давомида ютқазаётиб, якуний натижани ўз фойдаларига ҳал қилган. Жумладан, бухороликлар «Чирчиқ» билан ўйинда аввалига 0:1 ҳисобида ютқазаётиб, сўнг учрашувда 3:1 ҳисобида ғалаба қозонганлар. Шунингдек, улар «Темирйўлчи» (0:1--5:3), «Сўғдиёна» (0:1--3:2) «Наврўз»(0:1--4:1) жамоалари билан учрашувларда ҳам шундай ғалабага эришганлар.

«ТЕМИР ОЁҚ»ЛИ ЎЙИНЧИЛАР

«Гулистон» жамоасининг ҳимоячиси Владимир Карнаухов мавсумда қўполлиги учун ҳакамлар томонидан икки марта огоҳлантириш ва икки марта қизил карточка олиб майдондан чиқариб юборилган. «Сўғдиёна» ўйинчиси Георгий Богданов ҳам ундан қолишмади. У ҳакамлар томонидан олти марта огоҳлантирилган. Шунингдек, у бир ўйинда 2 марта огоҳлантириш олиб майдондан четлатилган.

Ўзбекистон футбол федерацияси тартиб интизом қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Владимир Карнауховга «Чирчиқ»--»Гулистон» учрашуви чоғида рақиб ўйинчисининг оёғига орқа тарафдан туриб, атай тепгани учун 1000 сўм миқдорда жарима солинди. Шунингдек, у келгуси мавсумда беш ўйинга қўйилмайдиган бўлди.

1995

Халқ СЎЗИ АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ҳаётимизда нурли из қолдирган, мамлакатимиз тарихида йирик ижтимоий-сиёсий воқеаларга бой бўлган 1994 йил ўтмишга айланди. Истиқлолимизнинг тўртинчи йили нишонланадиган -- 1995 йил кириб келди. Янги йилда юртимизда кечаётган ислоҳотлар жараёни янада жадаллашиб, буюк келажагимиз сари дадил қадамлар ташланишига ишончимиз комил.

Газетамизнинг жамоаси бу йил ҳам сиз билдирган ишончни оқлашга ҳаракат қилиб жонажон Ўзбекистонимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётини кенг ёритиб боради. «Халқ сўзи»нинг ҳар бир сони хонадонингизга қувонч олиб киришига умид билдирамиз. 1995 йил халқимизга эзгулик, тўкинлик, қут-барака олиб келсин.

ЯНГИ -- 1995 ЙИЛ МУБОРАК БЎЛСИН!

«ХАЛҚ СЎЗИ» газетаси жамоаси.

ЯНВАРЬ

	2	9	16	23	30	
	3	10	17	24	31	
	4	11	18	25		
	5	12	19	26		
	6	13	20	27		
	7	14	21	28		
1	8	15	22	29		

ФЕВРАЛЬ

		6	13	20	27	
		7	14	21	28	
1		8	15	22		
2		9	16	23		
3		10	17	24		
4		11	18	25		
5		12	19	26		

МАРТ

		6	13	20	27	
		7	14	21	28	
1		8	15	22	29	
2		9	16	23	30	
3		10	17	24	31	
4		11	18	25		
5		12	19	26		

АПРЕЛЬ

		3	10	17	24	
		4	11	18	25	
		5	12	19	26	
		6	13	20	27	
		7	14	21	28	
1		8	15	22	29	
2		9	16	23	30	

МАЙ

1		8	15	22	29	
2		9	16	23	30	
3		10	17	24	31	
4		11	18	25		
5		12	19	26		
6		13	20	27		
7		14	21	28		

ИЮНЬ

		5	12	19	26	
		6	13	20	27	
		7	14	21	28	
1		8	15	22	29	
2		9	16	23	30	
3		10	17	24		
4		11	18	25		

ИЮЛЬ

		3	10	17	24	31
		4	11	18	25	
		5	12	19	26	
		6	13	20	27	
		7	14	21	28	
1		8	15	22	29	
2		9	16	23	30	

АВГУСТ

		7	14	21	28	
1		8	15	22	29	
2		9	16	23	30	
3		10	17	24	31	
4		11	18	25		
5		12	19	26		
6		13	20	27		

СЕНТЯБРЬ

		4	11	18	25	
		5	12	19	26	
		6	13	20	27	
		7	14	21	28	
1		8	15	22	29	
2		9	16	23	30	
3		10	17	24		

ОКТЯБРЬ

		2	9	16	23	30
		3	10	17	24	31
		4	11	18	25	
		5	12	19	26	
		6	13	20	27	
		7	14	21	28	
1		8	15	22	29	

НОЯБРЬ

		6	13	20	27	
		7	14	21	28	
1		8	15	22	29	
2		9	16	23	30	
3		10	17	24		
4		11	18	25		
5		12	19	26		

ДЕКАБРЬ

		4	11	18	25	
		5	12	19	26	
		6	13	20	27	
		7	14	21	28	
1		8	15	22	29	
2		9	16	23	30	
3		10	17	24	31	

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — Ў. Ғойимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0021 71326 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топширилди — 21.20.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00